ТАНКИД – САРАЛАМОКДУР

Мажалла ва жаридаларнинг катта бир хосияти танкид, яъни сараламокдур. Саррофлар акчани, тужжорлар матоъни саралаганидек, мухаррирлар хам умумий хол ва маишатга тааллук нимарсаларни саралайдурки, бошка сўз ила «танкид» аталур. Масалан, янги мактаб ва муаллимлари ва анда ўкулатургон китобларни маънан тафтиш этиб, андаги нуксонларни баён этмок танкиддур. Таарруз ва душманлик эмас. Агарда шахсиятга тўкунмаса. Аммо бир муаллим ё мударрис ва мухаррирни ишидан, шахсиятидан халойикга зарар келса, андан хам бахс ва танкид ёзмок шахсий бўлмайдур.

Танкид янги ёзилган китоб, жарида ва мажаллаларга-да жорий ва нофеъдур. Масалан, бир мухаррир ва ё муаллимни сахвини ва ўз хизматига бепарволигини ва лозим коида ва тартибларга амал килмай, оммага зарар келтургонини танкид этмок боиси ислох бўлур. Бизни Туркистонда янги мактаблар хейле бордур. Янги рисола хейле босилиб турубдур. Жаридаларга макола ва шиорлар ўкулуб турубдур, Аммо хануз танкид даврига етушганимиз йўк. Иттифоко, танкид шаклинда бир нимарса ёзилса, бизларга каттиг тегар. Ёзганларимизни бузуклиги ва фикримизни хатолиги, ишимизни нокислигини бирор киши кўрсатса, аччигимиз келур. Ва ул одамни душман кўруб, шахсидан нафрат ва фикрига норозилик баён этармизки, бул бизни янгидан ишга бошлаганимиздан, бошка тил ила нокислигимиздандур.

Биз эскиларни айблаймизки, аларга ислохдан сўзласак, чидай олмайдурлар. Аммо ўзимизнинг мактаб, рисола, тахрир ва маслакимизни бир киши танкид этдими, чидай олмаймиз, диккат ила мунаккид сўзини тингламаймиз, Мунаккид бизни тўгримизга минг сўз ила баёни муддао этар экан, биз они ичиндан ўн сўзини номаъкул топиб, юзига урармиз. Ва ёинки важхсиз онинг сўзини радду ўзига эътироз этармиз. Агарда ул десаки, ман сизга бир минг калима насихат ё танкид сўйладим, дуруст, ўн калимаси сизга бежо эканки, кайтиб олдим, 990 калимасига на дерсиз?

На жавоб берармиз! Танкидни кўтаролмаганимизга тўгриси, хануз танкидга лойик бўлмаганимизни мисоли. Кафказли сайёх Мухаммад Саййид афанди Туркистон мактаблари тўгрисинда «Оила ва мўътабаран икбол» жаридасига танкид ёзиб эдики, анинг жавоби ялгуз курук бир эътироз (прўтест) бўлди. Аммо онинг ёзганига жавоб тушмас. Иккинчи, «Адаб ва тарбият» унвони ила яна сайёх мазкур «Ойна»нинг 27—28—29—30 ракамларинда мактаб тўгрисинда вокеъи далиллари ила баъзи нимарсалар ёздики, мўътабар «Садойи Туркистон» рафикимиз 11-ададинда Мухаммад

Саййид афанди маколаларини хилофи адаб ва тарбия деб они ёзилгонига сохиби макола ва идорага изхори норизолик айтиб, мазкур маколаларни «ахамиятсиз» дер. Хамда «муаллимларнинг хотирин колдирув» бўлармиш. «Ойна» камоли эхтиром ила «Садойи Туркистон» рафикимизга арз этарки, мазкур маколалар бошдан охиргача ахамиятсизми? Агарда ахамиятлиги бўлса, илтифотга олмаганларига таассуф этармиз. Ва макола ичидан икки-уч хати мизожга номувофик тушган учун афуларини тилаймиз. Такроран, айтармиз: биз хануз танкидга лаёкат пайдо этганимиз йўк. Яна кадима касалларимиздан - «норизо», «хотири колмасуну...» иллатлари хануз кетган йўк.

Мухаммад Саййид афанди таъбиринча, мундай кетаберса, «киёматдан минг йил сўнгра-да, Туркистонга тараккий йўк». Агарда, «хотир колмасун» коидаси маслак тутулса, матбуотдан калам тортмок керак. Чунки хакикий матбуот хеч кимни хотирига карамас. «Хотир колмасун» касали биз мусулмонларни барбод этди.

Умумий холлардан бахс килиндими? Мутлак хар бир масалага бир неча кишини хотири колур. Ислохи мадорис ва дорулказо десангиз, уламони хотири колур. Ислохи расм базм десангиз, авомни хотири колур. Ислохи савомеъ десангиз сўфи, шайху эшонларни хотири колур. Ислохи фойдахўрлик ва тижорат десангиз, бойларни хотири колур. Энди ислохи макотиби жадида дейилганда, муаллимларни хотири колса, бас мухаррирлар учун сукутдан бошка иш колмайдур.

Шуни-да айтмокки, Мухаммад Саййид афандидан ёинки идорадан биргина «баъзи» калимаси маат-таассуф колибдурки, бу баъзи важхдан баъзи муаллим афандилардан идора афу истар.

Боки: Мухтарам «Садойи Туркистон»га салом.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 32-сон, 621—623-бетлар.